Elim deb, yurtim deb yonib yashash kerak!

Turkiston

1925 yildan chiqa boshlagan

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI «KAMOLOT» YOSHLAR IJTIMOIY HARAKATINING GAZETASI

2002-yil 21-may, seshanba
№ 62 (14553)

«KAMOLOT» hududi

ИҚТИДОРЛИЛАР УЧУН ИМКОНИЯТ

Талабалар ҳар қандай даврнинг, жамиятнинг энг фаол вакилларидан ҳисобланган. Ҳозир ҳам шундай. Вақтларидан унумли фойдаланиб, ўзларини фан тараққиёти ривожига бағишлаётган зукко йигит-қизлар эса ҳар қандай ҳолатда миллатнинг фахри, ғурури бўла олади. Айни шу мақсад йўлида Тошкент фармацевтика институти Талабалар илмий жамиятининг навбатдаги илмий анжумани ўтказилиши ёшлар орасида иқтидорлиларни танлаб олиш имконини берди, десак янглишмаймиз. Зеро, ушбу жамиятнинг асосий вазифаси талабаларни илмий ишларга жалб қилиш, билимини, иқтидорини, ақлзаковотини тўла намоён қилишлари учун уларга қулайлик ва имконият яратишдир.

Жамиятнинг бу йилги 59-илмий анжуманида 154 га яқин маъруза ва деворий маърузалар тингланди. Фармацевтика, агробиотехнология, кимё фанлари, тиббиёт-биология, ўзбек ва чет тиллари, ижтимоий фанлар каби бўлимларда 52 та секция бўйича 141 нафарга яқин талабалар илмий ишларини ташкилий қўмитага ва йиғилганларга тақдим этишди.

—Шуни алоҳида таъкидлашим керакки, Фармацевтика институтида айни пайтда амалга оширилаётган ишлар кўпчиликни қувонтириши шубҳасиз,— деди "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий Кенгаши раиси биринчи ўринбосари Қаҳрамон Қуранбоев ўз сўзида. — Қолаверса, ушбу анжуманда ўз маърузалари билан қатнашган талабаларнинг илмий ишлари менда катта қизиқиш уйғотди. Айниқса, агробиотехнология факультети талабаси Маҳфуза Жўраеванинг "Халқаро терроризм — асримиз вабоси" мавзуидаги маърузаси бугунги долзарб масалаларга бағишлангани кўпчиликнинг назаридан четда қолмади.

Икки кун давом этган анжуман якунида ҳар бир бўлим раисларининг ҳисоботлари тингланиб, натижалар эълон қилинди. Шундай қилиб, фармацевтика факультетидан Наргиза Юнусова, Хурсанд Комилов, Одилбек Неъматов, Муножот Саидова, агробиотехнология факультетидан Йигитали Ҳожиев, Нилуфар Усмонова ғолиб деб топилди. Уларга фахрий ёрлиқ ҳамда тадбир бош ҳомийси, "Дори воситаларини стандартлаш илмий маркази"нинг эсдалик совғалари топширилди.

—Ютуқлар ўзимизники,—дейди институт ректори, профессор Аҳмадхўжа Юнусхўжаев. —Мавжуд камчиликлардан холи бўлиб, талабаларимизни фанга чуқурроқ йўналтира билишимиз керак. Бунинг учун эса ёшларнинг ўзидан ташаббус, домлалардан эса масъулият талаб этилади. Анжуман ғолибларидан умидимиз катта. Яна бир истагим, келажакда долзарб мавзуларда илмий иш қилишсин, янги дори-дармонларни кашф этишсин, бундан биз фақат хурсанд бўламиз.

Бу йилги илмий анжуман атрофига кўплаб ёшларни бириктирди, уларни ўзаро ҳамфикрлиликка, баҳсга чорлади.

—Тадбир кўнгилдагидек ўтди,—дейди "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракатининг институт бошланғич ташкилоти етакчиси Оллоқул Худойбердиев. — Ҳали ҳам талабалар ўртасида баҳс-мунозарага сабаб бўлаётган баъзи илмий ишлар чиндан кўпчиликни ўйлаб кўришга, фикрлашга ундайди. Мақсадимиз бир, иқтидорли ёшларни кашф этиш. Келгусидаги режаларимиз талайгина. Ушбу анжуманни республика, қолаверса халқаро миқёсга кўтариш ниятимиз бор.

Зиёда АШУРОВА

ЯПОН ОЛИМИНИНГ ЭЪТИРОФИ

Хабар берилганидек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Фармонига мувофиқ япониялик машҳур археолог Кюдзо Като "Дўстлик" ордени билан мукофотланди.

Олимнинг халқимизнинг бой тарихи, қадимий ёдгорликлари ҳамда маданий-маънавий меросини чуқур ўрганиш ва хорижда тарғиб этишдаги катта хизматлари, Ўзбекистон ва Япония ўртасидаги илмий алоқаларни ривожлантиришга қўшган ҳиссаси ана шундай муносиб тақдирланди.

Ўзбекистон Бадиий академиясининг марказий кўргазмалар залида муборак 80 ёшини қаршилаган олимга Ватанимизнинг ушбу юксак мукофотини тантанали топшириш маросими бўлди. Бу ерда К.Като қаламига мансуб асарлар ҳамда ўзбек-япон илмий ҳамкорлиги самараларини намойиш этувчи махсус кўргазма ҳам ташкил этилди.

Давлатимиз раҳбарининг Кюдзо Катони мамлакатимизнинг юксак ордени билан мукофотлаш ҳақидаги Фармонини Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазири Абдулазиз Комилов ўқиб эшиттирди. У кунчиқар юртнинг машҳур қадимшунос олимига Ватанимизнинг ушбу мукофотини топширар экан, ўзбек ва япон халқлари маданияти, маънавияти, турмуш тарзида ўзаро муштарак жиҳатлар кўп эканини таъкидлади. Мустақиллик шарофати туфайли икки давлат ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорлик алоқалари ҳар томонлама мустаҳкамланиб бораётир.

Тадбирда Ўзбекистон Фанлар академияси президенти Беҳзод Йўлдошев, Японияниг юртимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Киоко Накаяма хоним, таниқли археолог олим Эдвард Ртвеладзе, Сурхондарё вилояти ҳокимининг ўринбосари Қувондиқ Мадартов ва бошқалар сўзга чиқиб, мамлакатимизда илм-фан ва маданият тараққиётига улкан эътибор натижаси ўлароқ, юртимиз тарихи, маданияти ва санъатига жаҳонда қизиқиш тобора ортиб бораётганини таъкидлади. Бунга Кюдзо Катонинг Ўзбекистон заминида олиб бораётган узоқ йиллик самарали илмий фаолияти яққол мисол бўла олади.

- Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов менинг камтарона меҳнатимни шундай юксак қадрлаганидан беҳад мамнунман,- деди Кюдзо Като. - Шу сабаб ўзбек халқига, унинг Йўлбошчисига таъзим қиламан. Йигирма биринчи юз йиллик барча халқлар ўртасидаги дўстлик ва ҳамжиҳатлик асри бўлишига ишонаман. Зеро, менга топширилган ушбу орден тимсолида ҳам ана шу жиҳатлар ўзининг ёрқин ифодасини топган. Юртингизга илк бор бундан қирқ йил муқаддам келган эдим. Бироқ бугунги мустақил Ўзбекистоннинг, ҳаёти, халқингизнинг юксак руҳи ва бунёдкорлик салоҳияти барчани ҳайратга солмоқда.

Маросимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Хайриддин Султонов иштирок этди.

Назокат УСМОНОВА,
ЎзА мухбири

ҲАРАКАТ ФАОЛИЯТИДАН

Навоий шаҳрида "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Навоий вилоят Кенгаши ҳамда вилоят халқ таълими бошқармаси ҳамкорлигида ўтказилган "Етакчи — 2002" кўрик-танловида вилоятдаги Навоий, Қизилтепа, Нурота, Конимех, Хатирчи туманлари, Кармана, Навоий шаҳри мактабларининг ёш етакчилари иштирок этишди.

Танлов қатнашчилари ўзларининг маънавий етуклиги, маданият ва санъатга бўлган қизиқишлари ҳамда Ватанга муҳаббат туйғуларини намойиш этишди. Шунингдек, ёшлар етакчилари Ҳаракатнинг Низом ва Дастурини ёшларга қай даражада етказаётганликлари ҳам танловда асосий шартлардан бири ҳисобланди. Танлов қизғин баҳслар остида ўтказилиб, биринчи ўрин Нурота туманидаги 5-умумтаълим мактаби ёшлар етакчиси Н. Худойқуловага насиб этди.

Ғолиблар Ҳаракатнинг вилоят Кенгаши ва вилоят халқ таълими бошқармаси томонидан таъсис этилган совғалар ва фахрий ёрлиқлар билан тақдирландилар.

Моҳинисо ПЎЛАТОВА

* * *

"Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Андижон вилояти Кенгаши, вилоят хотин-қизлар қўмитаси, вилоят "Маънавият ва маърифат" маркази ва "Маҳалла" хайрия жамғармаси вилоят бўлими билан ҳамкорликда йиғилиш ўтказилди. Ушбу йиғилишда ёш оилалар ҳамда узоқ йиллар бахтли ҳаёт кечираётган оилалар вакиллари иштирок этишди. Тадбир сўнгида ёш оилаларга ва намунали хонадон эгаларига қимматбаҳо совғалари топширилди.

Беҳзод АБДУНАЗАРОВ

* * *

Ҳаракатнинг Андижон вилояти Кенгаши Мудофаага кўмаклашувчи "Ватанпарвар" ташкилоти, вилоят спорт қўмитаси, Мудофаа ишлари бошқармаси билан ҳамкорликда чақирув ёшидаги ўсмирлар ўртасида вилоят спартакиадаси ўтказилди. Спартакиадада шаҳар ва туманлардан жамоалар қатнашиб, спортнинг етти тури бўйича ўзаро беллашдилар. Умумжамоалар ҳисобида Андижон шаҳри жамоаси I ўринни, Андижон тумани жамоаси II ўринни, Пахтаобод туман жамоаси эса III ўринни эгалладилар. Тадбир сўнггида ғолиб жамоаларга Ҳаракатнинг вилоят Кенгаши томонидан қимматбаҳо совғалар топширилди.

Саида ИНОҒОМОВА

* * *

Бугунги ёшлардан нолиганларнинг ўзидан хафаман. Ахир, улар кексаларни иззат-ҳурмат қилишса, баҳоли-қудрат ёрдам беришса, устига-устак илму-ҳунар эгаллашса...

Биргина "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракатининг Оқ олтин тумани Кенгаши томонидан Қарияларни қадрлаш йилида тузилган "Меҳр ва мурувват" гуруҳи аъзоларини олинг. Хўжалигимиздаги 17-ўрта мактаб бошланғич ташкилоти сардори Салимахон Аликулова билан ўқувчилар хонадонимизга ташриф буюриб, қанча мушкулимизни осон қилишди. Ҳовли-жойларимизни таъмирлаб, томорқаларимизни чопиб, чиннидек тоза қилиб беришди. Меҳрибон йигит-қизлар туфайли, уйимга файз кирди, кўнглим шод бўлди.

Мамлакат ИСОҚОВА,
Оқ олтин тумани

МУСТАҚИЛЛИК КАШФ ЭТГАН ЮЛДУЗ

Ҳилола САИДОВА — 1992 йилда Усмон Юсупов туманининг Жейнов қишлоғида туғилган. Бугунги кунда Қарши шаҳридаги 23-ўрта мактабнинг 9 - синфида таҳсил олади. Тенгдошларидан ўткир зеҳн-идроки ва кучли қобилиятга эгалиги учун ҳам анча илгарилаб кетган. Аслида у ҳозирда 5-синфда ўқиши керак эди, аммо, "Экстракт" низомга мувофиқ Ҳилоланинг қобилияти шаҳар халқ таълими бўлими комиссияси томонидан ўрганиб чиқилиб, тўрт йил узлуксиз синфдан-синфга ўтказилган.

Бувиси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ўқитувчи Салтанат ая Саидованинг таъкидлашича, Ҳилола тўрт ёшида Тошкентдаги— Содиқова номидаги мусиқа мактабида ўқиб юрган кезларидаёқ фортепиано чалиб, ўзбек, рус, инглиз тилларида мустақил қўшиқ айта бошлаган.

Ўзбекистон халқ таълими аълочиси, 23 - ўрта мактабнинг ўзбек тили ва адабиёт фани ўқитувчиси Гулчеҳра Мусаеванинг айтишича, Ҳилола "Ўзбекистон - азиз Ватаним!" мавзуидаги иншоси билан вилоят мактаб ўқувчилари ўртасида ғолибликни қўлга киритиб, республикага йўлланма олди.

У бўш вақтларида шеърлар ёзиб туради. Яқинда "Насаф" нашриётидан унинг "Таъзим" номли шеърий тўплами нашрдан чиқди. Ҳилола бизга ўзбек, рус, инглиз тилларида юракларни жунбушга келтирадиган шеърлар ўқиб берди. Мурғак қалбда табиатга, Ватанга, одамларга бунчалик кучли севги, меҳр-муҳаббат бўлиши мумкинлигини тўғриси кутмагандик.

ТЕСТ — АДОЛАТ ВА ОШКОРАЛИК МЕЗОНИ

Республика Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази директори Муҳсинжон МУҲИДДИНОВ билан суҳбат



— Яқинда мамлакатимизнинг барча ўқув юртларига қабул бошланади. Шундай экан, тест синовларини муваффақиятли ўтказиш, энг муносиб ёшларни олий ўқув юртларига қабул қилиш учун қандай ишлар амалга оширилмоқда?

— Ўзбекистонда юксак маънавиятли, жаҳон андозалари талабига тўла жавоб бера оладиган мутахассисларини тайёрлаш билимдон, зукко, фикрлаш қобилияти ўсган, ўз касбий соҳасини онгли танлаган ёшларни тўғри саралашга боғликдир.

Давлат тест маркази бу ишни ўн йилдан бери муваффақиятли бажариб келмоқда. Марказимиз ҳар йилги тест синовига алоҳида эътибор билан тайёрланади. Абитуриентлар учун "Ахборотнома" ("Вестник") журналларини 12 та сони чоп этилди. Ёшларнинг билим савияси, ақл заковати, мустақил фикрлашини аниқлаб берадиган асосий восита – бу фикрлар бўйича тузилган тест саволлари жамғармасидир. Саволлар жамғармаси йилдан-йилга кўпаймоқда. У 1996-1997 йилда 40000 тани ташкил этган бўлса, 2001 йилда 120000 тага етди. 2002 йилда бу кўрсаткич 140000 га боради.

Жамғармадаги саволлар йилдан-йилга такомиллашиб, кўпроқ мустақил фикрлашга, фанларни чуқурроқ билишга даъват этмоқда. Шундай саволлар жамғарманинг аксарият қисмини ташкил этади.

Тест саволлари шу соҳадаги йирик олимлар, педагоглардан бир неча бора тақриздан ўтказилмоқда. Бу тадбирлар жамғармадаги саволларни сифат нуқтаи назаридан такомиллашишига олиб келмоқда.

Масалан: тарих фанидан академик Э.В.Ртвеладзе, археология институтининг директори, профессор Т.Ширинов, профессор В.Н.Ягодинлар бизнинг тақризчиларимиздир. Худди шундай бошқа фанлардан ҳам йирик олимларимиз тестларни тақриздан ўтказадилар.

Албатта, бу йил кўпвариантли тест технологияси такомиллашади. Энг юқори самара билан компьютер технологиясидан фойдаланиб, холислик ва ёшлар билимини юқори аниқлик билан ҳисоблаш таъминланади. Тест натижалари Қорақалпоғистон Республикасида, барча вилоятларда ва Тошкент шаҳрида кенг жамоатчилик, халқ таълими мутассадди ходимлари, ўқув юртларининг раҳбарлари билан муҳокама этилди. Ютуқ ва камчиликлар аниқ кўрсатилди. Халқ таълими бошқармалари тест натижаларидан таълим ишларини такомиллаштиришда фойдаланмоқдалар.

Тест топшириқлари жамғармасининг ишончлилиги ва яроқлилигини навбатдаги босқичда синаб кўриш ва текшириб олишга республика мактабларида ўтказиладиган тажрибавий тест синовлари, узоқ масофадан туриб ўтказилган тест натижаларининг статистик ишлаб чиқилиши ёрдам беради. Давлат тест маркази билан боғланган узоқ масофадан туриб тест ўтказиш тизимлари нафақат вилоят марказлари ва Тошкент шаҳрида, балки Республиканинг бир неча туманларида ҳам жорий қилинган ва муваффақиятли фаолият кўрсатмоқда. Улар мактаб ўқувчиларининг билим даражаси ҳақида зудлик билан маълумот олиш имконини беради.

-Ёшларимизнинг билим олишга бўлган қизиқишини, олий ўқув юртларига киришга бўлган интилишини қандай баҳолайсиз? Улар кўпроқ қайси соҳаларга қизиқишмоқда? Ва бунинг сабаби нима билан боғлиқлигига ҳам тўхталсангиз?

(Давоми 2-бетда)

«КИРОЛЛИК»ДА ОСОЙИШТАЛИК ЎРНАТИЛДИ

Кўп йиллардан буён биринчи бор Прага шаҳрида Анатолий Карпов, Гарри Каспаров, Владимир Крамник (ҳаммаси Россиядан) каби дунёнинг энг кучли шахматчилари, шунингдек ФИДЕ президенти Кирсан Илюмжинов, таниқли тижоратчи ва шахмат ҳомийси Бессель Кок (Бельгия)лар йиғилишди. Бу учрашувдан кўпчилик мухлислар бир қатор ижобий натижаларни кутишган эди. Негаки, машҳур шахмат усталарининг баъзилари шу пайтгача ўзаро келиша олмай, бир-бирига кек сақлаб келишаётганди. Прага учрашуви натижалари жаҳон шахмат ихлосмандлари учун қувонарли, албатта, чунки 2003 йилнинг сентябрь-ноябрь ойларида ФИДЕ ҳомийлигида икки муносиб рақибнинг учрашувидан сўнг жаҳоннинг мутлоқ чемпиони номи аниқ бўлади.

Сайёрамизнинг энг кучли шахматчисини аниқлаб берадиган мазкур биринчиликни шарҳлаб борувчи Халқаро гроссмейстерлар кенгаши штаб-квартирасини Прага шаҳрида жойлаштириш кўзда тутилмоқда. Шахмат оламида катта обрўга эга бўлган Бессель Кок бу кенгашнинг бошлиғи ҳисобланади. Бўлажак биринчиликда қатнашадиганларнинг кўпчилиги янги тизим шартларига розилик билдиришиб, фақат Виши Ананд (Ҳиндистон) ва Василий Иванчук (Украина)ларгина бетараф қолишган.

Воҳид БОЙМУРОДОВ
тайёрлади

TENGDOSHLARIMGA SAVOL

Етук инсон бўлиш учун

«МЕНГА ФАҚАТ ДИПЛОМ КЕРАК»

деган хомхаёллар оғушидаги баъзи бир талабаларга мактуб

Келинг, дўстим, бугун бир очиқчасига гаплашиб олайлик. Нима гап, дейсизми? Шошилманг, ҳали ҳаммасини билиб оласиз. Бугунги мавзумиз сизни хурсанд қиладиган эмас, аксинча сизни ўйлашга, мулоҳаза юритишга ундайдиган мавзулардан.

Сиз — талабасиз. Жонажон юртимизнинг ишонган боғи-ю, суянган тоғисиз. Лекин ҳеч ўйлаб кўрганмисиз: қандай талабасиз? Албатта, ўзингизга қўйиб берса қандай жавоб беришингиз олдиндан маълум. Шунинг учун, келинг, ушбу саволга сиз эмас, мен жавоб бера қолай. Мен фақат сизнинг бугунги "қиёфангиз" ҳақида фикр юритмоқчиман.

Биламан, эрталабки ширин уйқудан туриш сиз учун жуда оғир. Бир амаллаб ўз вақтида уйғондингиз ҳам дейлик. Эринибгина ювиниб, бамайлихотир нонушта қиласиз. Тўсатдан ўқишга, ҳа-ҳа, ўша "севимли" олийгоҳингизга бориш кераклиги ёдингизга тушади. Энди шоша-пиша кийина бошлайсиз. Ёлғондан сақланинг, дўстим. Шунда сиз жуда катта муаммони ҳал этаётгандек бош қотира бошлайсиз: борсаммикан ёки..? Ниҳоят бир қарорга келасиз: бораман.

Лекин тан олингки, азбаройи ўқиш учун эмас, дарс вақтида курсдошларингиз билан хумордан чиққунча суҳбатлашиш учун.

Ўқитувчининг асабини қўзғайдиган "ажабтовур" қилиқларингизни курсдошларингиз олдида кўрсатиб, "обрў" қозониш учун борасиз.

Хуллас, "учун"ларнинг саноғи йўқ. Дарс вақтида зерикиб, сиқилиб кетасиз. Ахир, сизга ҳам қийин-да. Сизнинг иборангиз билан айтганда "осонми, ахир, саксон минут қамалиб ўтириш". Нима, ажабланяпсизми...

Эшитганимиз бор: "Дипломинг бўлса, асло хор бўлмайсан. Қаердан бўлса ҳам нонингни топиб ейсан". Аслида мана шунинг учунгина (хор бўлмаслик учунгина) дарсларга мажбуран келиб-кетади улар.

Машойихлар дейдики: "Ўқиб олим бўлиш осон, лекин ҳамма ўқиганлар ҳам одам бўлавермайди". Огоҳ бўлинг, давр шиддат билан ўзгармоқда. Фақатгина кучли илмий салоҳиятга эга бўлганларгина ишлай оладиган давр келмоқда, замон шуни тақозо этмоқда. Сиз фақат бугуннинггина қобиғига ўралиб яшаманг. Сиз ҳам ақлан, ҳам маънан, ҳам жисмонан етук инсон бўлинг. Бугун мустақиллик шарофати билан тенгдошингиз АҚШ ёки Буюк Британиянинг энг нуфузли олий ўқув юртида таҳсил олмоқда, энг сўнгги русумдаги ЭҲМда мураккаб операцияларни бажармоқда.

Бу ҳақда гап кетса, ўзингизни оқлаш учун: "Ҳа, энди улар бошқача одамлар", дейсиз. Қандай одамлар? Бунисини ҳам яна ўзингизча шарҳлайсиз. Очиғи, сиз ҳамма нарсага шубҳа билан қарайсиз.

Тўғри, сизнинг ҳам жонингиздан ортиқ кўрадиган, ўзингиз қизиқадиган "хобби"ларингиз бор, албатта.

Алламаҳалгача давом этадиган бақир-чақиру, шовқиндан иборат дискотекалар. Африка зебраларидек ранг-баранг кийимлар ва ҳоказо. Эҳ, дўстим! Бу дунёда ҳали сиз тушуниб етмаган сир-синоатлар, ҳақиқатлар бисёрдан-да бисёр. Халқимизнинг бой тафаккур меваси бўлмиш қуйидаги мақоллар, ҳикматомуз гаплар, айнан сиз учун яратилгандек, назаримда.

"Қимирлаган қир ошар", "Интилганга толе ёр".

Дарвоқе, ҳеч ўйлаб кўрганмисиз, яшашдан мақсад нима? Ўқишдан-чи? Бирон-бир "ёғлироқ" жойни эгаллашми? Олис қишлоқдаги (агар сиз қишлоқдан келган бўлсангиз) қишлоқдошларингизнинг "Зўр жойда ўқияпти. Қойил!" деб мақташлари учунми?

Ишонинг, дўстим. Бу ўйловларнинг бари хомхаёл. Юртимизнинг ҳали сиздан умидлари кўп. Ахир, сиз Ватанимиз келажагининг бунёдкорисиз.

Сиз фақат диплом учун эмас, юртимиз равнақи учун ўқинг. Бу мавзу ҳақида жуда кўп ва хўп гапириш мумкин. Назаримда, бу каби жумбоқларга ечим топмоқ кўпчиликнинг амалий кўмаги билангина амалга ошади.

Шу ўринда сизга бир савол билан мурожаат қилмоқчиман: Сиз нима учун ўқияпсиз — фақат диплом олиш учунми ёки пухта билим эгаллаш учунми?

"Шириндан ширин" хомхаёллар оғушидан тезроқ қутулишингиз ва асл ҳаётга теранроқ кўз билан боқа олишингиз йўлида сизга матонат тилаб қолгувчи камина

Ўлмасжон ТЎРАЕВ

МУСТАҚИЛЛИК УНИВЕРСИТЕТИ

Қарши Давлат университети ўн ёшда

Тонг отди. Баҳорнинг мўъжизаларга бой яна бир янги куни бошланди. Теварак-атрофни гуррос-гуррос бўлиб университет дарвозасидан бир дунё орзу-ҳаваслар билан шаҳдам қадамлар ташлаб кириб келаётган навқирон йигит-қизларнинг майин табассуми-ю, ҳаяжондан бир-бирларига шошиб айтаётган табрик ва истаклари тўлдириб юборди. Кўзлари тимқора, истараси иссиқ, товонидан ўт чақнаб турган талабаларнинг кайфияти негадир бугун аввалгидан ҳам чоғ. Ҳар бир йигит-қиз бир қучоқ-бир қучоқ гул кўтариб олган. Кийимлари ўзларига ярашган, янги аср ёшларининг кўзларида порлаб турган шижоат, ғайрат, жасоратни кўриб, университетда мисоли Тўмарис, Жалолиддин, Муқанна, Алпомиш, Барчинойлар кезиб юргандек ҳис этасиз. Университет ҳам бугун негадир фарзандларига ҳар доимгидан ҳам қулочини, бағрини кенгроқ очган.

Талабалар қатори бизни ҳам самимий кутиб олган университет ректори, профессор Г. Худойберганов ичкари томон етаклади. Атрофдаги ўзгаришларни кўриб бутун вужудимизни ҳаяжон босди. Ўзимизни яшил қитъага тушиб қолгандек ҳис этдик. Ҳамма жой ораста, саранжом-саришта. Кўзимиз бехосдан йўлакчалар атрофидаги Амир Темур, Навоий, Бобур сингари ўнлаб алломаларимизнинг портретлари ва ҳикматли сўзларига тушди. Университет ҳовлисидаги мўъжазгина боғ янги таъмирдан чиқарилган ўқув бинолари ва ётоқхоналарга уйғун. Янги қурилган ва қайта таъмирланган осмонўпар биноларни кўриб, ҳайратланасан киши.

—Шу кунларда университетимиздан меҳмон аримай қолди. Сабаби, университетимиз ўн ёшга тўлди. Бизнинг жамоа бу муборак санани муносиб совғалар билан кутиб олаяпти,-дейди ректор Г. Худойберганов. Биринчидан, сўнгги ўн йилликда университетимиз нафақат вилоятимиз, балки республикамиз учун ҳам давлат бошқарув органлари, таълим муассасалари ва йирик корхона-ташкилотлар учун етук, малакали мутахассислар тайёрлаб берадиган илм масканига айлантирилди, десак муболаға бўлмайди. Мустақиллик йилларида илм масканимиз 12000 мутахассис кадрлар тайёрлади. Университетимиз олимлари Германия, Буюк Британия, Бельгия, АҚШ, Ҳиндистон, Исроил мамлакатларининг бир қатор нуфузли илм масканлари билан илмий ва халқаро алоқалар ўрнатди. Олимларимизнинг ўттиздан ортиқ илмий ишлари хорижий мамлакатларда чоп этилди. Айни пайтда илм даргоҳида 27 та ихтисослик бўйича 6000 нафарга яқин талаба таҳсил олаяпти. Уларга 22 нафар фан доктори ва профессор ҳамда 180 дан ортиқ фан номзоди сабоқ бермоқда. Шунингдек, талабаларимизга АҚШ Тинчлик корпусининг кўнгилли мутахассислари Жонатан Готт, Франк Лум, Эрвин Жоус, Марказий Осиёга бегараз ёрдам кўрсатиш халқаро ташкилоти вакиллари Том Миллер, Ян Смите, Блей Биеемлар талабаларимизга инглиз тили ва иқтисод фанларидан сабоқ бермоқда. Учинчидан, университетимизда янги ташкил топган "Зиё" ёшлар видеостудияси ҳафтанинг душанба ва жума кунлари икки соатдан кўрсатувларини эфирга узатяпти. Тадбирлар ўтказиладиган "Ёшлар маркази"нинг янги биноси ишга тушиш арафасида. Барпо этилган "Мотамсаро она" ҳайкали мажмуаси ва унинг атрофидаги мўъжазгина боғ университетимизнинг ўн йиллигига муносиб совға бўлди. Шунингдек, иккита ер ости қудуқлари ўрнатилди, боғимизга эса мингдан ортиқ ҳар хил мевали дарахт кўчатлари ўтқазилди.

Ўзбек филологияси факультетининг ўқув биноси, бизнес мактаби ва профилакторий, тўртта талабалар ошхонаси, қариялар чойхонаси, футбол ўйингоҳи, волейбол, қўл тўпи, баскетбол, теннис корти майдонлари янгидан барпо этилди ва қайтадан таъмирланди.

Компьютер марказимизда талабаларимиз дунёнинг исталган нуқтасидаги олий ўқув юртлари билан боғланиб, тадқиқотлар учун зарур бўлган ахборотларни тўплаш ва жўнатиш имкониятига эга бўлдилар. Биз ҳозирда талабаларимиз учун масофали ўқитиш тизимини ҳам ташкил этяпмиз. Бунда талаба бошқа давлатдаги ўқув юртининг профессори маърузасини компьютер орқали эшитиш, кўриш ва гаплашиш имкониятига эга бўлади. Бизда иқтидорли талабалар ниҳоятда кўп. Ўзбек кураши бўйича икки марта жаҳон чемпиони Баҳром Авазов, Осиё чемпиони София Каспўлатова, Навоий стипендиати Комила Турдиева, ижодкор талабаларимиз Лола Темирова, Камола Бозорова, Мўътабар Эшмаматова, Азиза Очилова, Дилфуза Жумаева, Нигора Пардаевалар билан ҳақли равишда фахрланамиз.

Биз университетда бўлганимизда, ҳар қадамда бир ўзгариш, бир янгиликни сездик. Талабаларнинг илмга чанқоқ ва изланувчанлигига амин бўлдик. Ўша кунлар университетнинг ўн йиллик кунлари бутун қашқадарёликларнинг байрамига айланиб кетди.

Файзулла ЭШҚУЛОВ,
«Turkiston» мухбири

ТЕСТ – АДОЛАТ ВА ОШКОРАЛИК МЕЗОНИ

(Давоми, боши 1-бетда)

— Ўзбекистон ёшлари ўртасида илмга қизиқиш йилдан-йилга ортиб бораётгани бизни қувонтирди. Кундузги бўлимга ҳужжат топширган абитуриентлар сони буни яққол кўрсатади. 1998 йилда 117837 абитуриент, 1999 йил 149134 абитуриент, 2000 йилда 171624 абитуриент ва 2001 йилда 212462 абитуриент ҳужжат топширган. Ўйлайманки, бу йил ҳам ўқишни истовчи ёшлар сони кўп бўлади. Бу Ўзбекистондаги тинчлик, миллий истиқлол ғоясининг халқ онгига чуқур сингиб бораётганининг натижасидир. Ёшларнинг асосий қисми иқтисодиёт, ҳуқуқ, чет тилларига қизиқмоқда. Айтиш жоизки, охирги йилларда қизиқиш табиий фанлар, техника соҳасига, айниқса, педагогика соҳасига кучаймоқда. Бунинг сабаби ёшлар ўртасида жамиятимизда содир бўлаётган ижтимоий, иқтисодий ўзгаришлар моҳиятини тўғри тушуниб бораётганлигидадир.

Қизиқишлар минтақавий нуқтаи назардан ҳам анъанавий тарзда хилма-хил бўлади. Масалан, Қорақалпоғистон Республикасида математика, техника, тарих, биология устувор саналса, Фарғона вилоятида иқтисодиёт, педагогика, юриспруденция кабилар устувор йўналишлар ҳисобланади. Худди шунга ўхшаш ҳар бир минтақа ёшлари касб танлашдаги хусусиятлари билан ажралиб туради.

Кадрларнинг рақобатбардошлик қобилиятини таъминлаш омилларидан бири танловдир. Қорақалпоғистон Республикасида, барча вилоятларда ва Тошкент шаҳрида танлов мезонлари ўсган. У айниқса вилоятларда кўтарилди. Аввалги йилдагидек, энг юқори танлов Сурхондарё, Навоий, Фарғона ва Наманган вилоятларида кузатилди.

— Ўтган йилги қабул мавсумида ўрта мактаблар, академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари битирувчиларидан ўқишга кириш бўйича қайси бири юқори натижага эришди?

- 2001 йилда ўрта мактабни тугатиб ўқиш истагини билдирганлар 173336 нафарни ташкил этган бўлса, лицейларни тугатган абитуриентлар сони 23485 нафарни ва коллежларни тугатганлар сони эса 15641 нафарни ташкил этган. Лицейларни тугатиб тестда қатнашган ёшлар жуда юқори натижага эришган. Уларнинг ўртача баллари 103,48 ни ташкил этган. Ўрта мактабни тугатганларнинг ўртача баллари 77,7 ни ташкил этган. Кўриниб турибдики, лицейларда ўқувчиларга пухта билим берилган ва улар тест имтиҳонига яхши тайёрланишган.

— Ҳужжат топшириш ва талабаликка қабул қилиш масаласида ҳозирча қайси вилоятларнинг ёшлари олдинги ўринларни эгаллаб турибди? Қайси вилоятларда энг паст натижа қайд қилинмоқда? Бунинг қандай-сабаблари бор, деб ўйлайсиз?

— Умумтаълим ўқув юртлари битирувчиларининг тайёргарлиги бўйича 2001 йилги тест натижаларига кўра Тошкенг шаҳри, Бухоро, Андижон ва Хоразм вилоятлари юқори рейтингга эга эканлигини кўрсатдилар. Афсуски, Сурхондарё вилоятида аҳвол ўзгармаяпти. Бу вилоят 2001 йилда ҳам республика минтақалари ўртасида охирги ўринни эгаллаб турганди.

Ўтган йиллардаги каби Сирдарё, Наманган вилоятларининг кўрсаткичлари паст даражада қолиб келмоқда. Уларга 2001 йилда олдинги йиллари 5-ўринни эгаллаган Навоий вилояти ҳам келиб қўшилиб қолди.

Бунинг асосий сабаби ушбу вилоятларда ўқувчиларни олий ўқув юртларига тайёрлашда қатор ҳал этилиши зарур бўлган муаммолар мавжудлиги яққол кўриниб турибди. Ўқувчиларни тест имтиҳонига тайёргарлик даражаси пасайиб бораётганлиги ачинарли ҳолдир. Бундай аҳволни тугатиш учун тест натижалари асосида вилоят халқ таълимининг ҳолати синчковлик билан таҳлил этилиши керак.

Таълим жараёнини мукаммаллаштириш, ўқувчиларни ўқишга қизиқтириш, дарсларни замонавий таълим технологиялари асосида мукаммаллаштириш, касб танлаш бўйича тегишли ишларни олиб бориш, таълимий тестларни ўтказиш зарур.



— Олий ўқув юртларига ҳужжат топшириш ва кириш масаласида шаҳар ва қишлоқ ёшлари ўртасида қандай тафовутлар учрамоқда?

— Тестда доимо қишлоқ ёшларининг ҳиссаси ортиқ бўлиб келган. 2001 йилда қишлоқ мактабларида таълим олган абитуриентлар сони 150336 та бўлса, шаҳар мактабларида таълим олганлар сони 62126 тани ташкил этган. Ўқишга қабул этилган талабалардан 17490 таси шаҳарда ва 26989 таси қишлоқда яшовчи ёшлардир. Ўз ўзидан кўриниб турибдики, ўқишга кирган ёшлар ўртасида қишлоқ меҳнаткашларининг фарзандлари кўпчиликни ташкил этади.

Ижтимоий (қатлам) нуқтаи назардан жами абитуриентларнинг 61фоиздан ортиқроғини ишчилар ва қишлоқ меҳнаткашларининг фарзандлари, 24,4 фоизини зиёлиларнинг фарзандлари, 2,9 фоизини ишбилармонларнинг фарзандлари, 11,6 фоизини бошқалар ташкил этади. Ўқишга кирган абитуриентларнинг 83 фоизи шаҳар, қишлоқ меҳнаткашлари ва зиёлиларнинг фарзандлари, 6 фоизи ишбилармонларнинг фарзандлари, 11 фоизи бошқалардир. Ушбу кўрсаткичлар тест тизимининг ижтимоий одиллиги ва холислигини тўла тасдиқлайди.

— Ўрта мактабларда, лицей ва коллежларда ўқувчи ёшларни тест-синов қонун-қоидаларига тайёрлаш, жавобларни қандай белгилаш, тест-синов кўрсатмаларига амал қилишга ўргатиш масалалари қандай йўлга қўйилган? Улардан қониқиш ҳосил қилиш мумкинми?

—Тест синовига абитуриентларни тайёрлашга жуда катта эътибор берилади. 2001 йил "Тест адолат мезони" видеофильми тайёрлаб, барча ўқув юртларига тарқатилди. Унда тест технологияси тўла ёритилган. Абитуриент тест материалини қабул қилиб олиш, жавоб варағини тўлдириш, хужжатларни расмийлаштириш ва бошқа масалалар билан тўлиқ таништирилган.

Тестни муваффақиятли ўтказиш учун Давлат тест марказининг вакиллари алоҳида танланди ва ўқитилди. Аудитория раҳбари ва кузатувчиларига бир неча марта машғулотлар ўтказилди. Давлат тест маркази раҳбарияти ва мутахассисларининг газета, радио ва телевидение бўйича чиқишлари ташкил этилди.

—Ўтган йилда энг юқори балл тўплаган абитуриентлардан тўрт нафарини мисол тариқасида келтира оласизми?

— Албатта, ўтган 2001 йилда энг юқори балл тўплаган абитуриентлардан мисол тариқасида:

1) Қаҳҳоров Ҳамидулла – Тошкент юридик институти, Бухоро вилояти, Пешку тумани.

2) Исоқов Сарваржон – Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети, Фарғона вилояти, Учқўприк тумани.

3) Икрамов Улуғбек – Ўзбекистон Миллий университети, Тошкент вилояти, Қибрай тумани.

4) Атажанов Ҳамдамбек – Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети, Хоразм вилояти, Урганч тумани.

— Тест-синовларини топширишдан кимлар озод қилинади? Улар қабул комиссиясига қандай хужжатларни тақдим этишлари лозим?

— Тест синовидан фақат Халқаро ва Республика олимпиадаларининг ғолиблари озод этилади. Бу қабул Низомида аниқ белгиланган.

— Биздаги тест-синовлари жараёни хориждагидан нимаси билан фарқ қилади ва таъбир жоиз бўлса, абитуриентликка тайёрланаётган ўқувчи ёшларни тест-синовларида адолат устувор эканлигига нима билан ишонтириш мумкин?

— Ўзбекистондаги тестларнинг хорижий мамлакатлардан фарқи, тестларнинг кўпвариантли эканлигидадир. Шунингдек, биздаги тест жараёни компьютерга асосланган. Тест натижалари тўлиқ (фанлар бўйича, вилоят, туман, мактаблар бўйича) таҳлил этилади.

Ўзбекистон Давлат тест маркази фаолиятининг хориждаги марказлардан фарқланувчи хусусиятларидан яна бири **очиқ-ошкоралиқдир**. Давлат тест марказининг бутун фаолияти оммавий ахборот воситаларида мунтазам ёритиб борилади, марказ раҳбарияти анъанавий тарзда журналистлар билан матбуот конференциялари ўтказиб туради.

Ҳар йили тест натижалари таҳлилий материаллар кўринишида чоп этилиб, у республика минтақаларидаги таълимнинг аҳволи ҳақидаги, олий ўқув юртлари ва таълим йўналишлари бўйича тест синовларининг ҳамда 300000 абитуриентга тегишли сифат кўрсаткичлари мониторингининг натижалари ҳақидаги кенг кўламли маълумотлардан иборат бўлади.

Китоб ҳолида нашр этилган таҳлилий материаллар республикадаги тегишли вазирликларга, вилоятлар халқ таълими бошқармаларига, шаҳар ва туманларнинг халқ таълими бўлимларига, олий ҳамда ўрта махсус ўқув юртларига юборилади.

Очиқ-ойдинлик ва ошкоралик Давлат тест марказининг ривожланишига муайян даражада ёрдам бермоқда. Ҳар йили Давлат тест марказининг талабу эҳтиёжлари ва мутахассисларнинг ташаббуси асосида тест тизимининг такомиллаштирилиши, тест топшириқларининг ишлаб чиқилиши ҳақида таклифлар, танқидий мулоҳазалар билдирилган хатлар муайян мутасаддиларга йўлланади. Бўлажак абитуриентларнинг технология масалалари ва тест топшириқлари бўйича маслаҳат ёрдами сўраб ёзган хатлари ҳам анчагина. Хатларга жавоб бериш билан бир қаторда ушбу материаллар тартибга солинади ва умумийлаштирилади.

Давлат тест маркази томонидан республиканинг барча минтақаларида мактабларнинг битирувчилари билан тажрибавий (репетицион) тест синовларининг ўтказилиши — педагогик жамоатчилик ва ёшлар билан очиқ-ошкор мулоқотнинг самарали шаклларидан бири ҳисобланади.

Бўларнинг барчаси тест тизимига, янги илғор педагогик технология сифатида қарашга бўлган ишончни мустаҳкамлайди.

Таълим тизимига **демократияни** олиб кирган тест усули тобора такомиллаша бориб, ўзи ҳам **демократлашмоқда**.

Кўплаб хорижий марказлардан фарқли равишда 1996 йилда амалга киритилган апелляция тартиби абитуриентларга, натижалар эълон қилингандан сўнг, Давлат тест марказида жавоб варақаларибилан ва саволлар китобларининг тегишли вариантлари билан, шунингдек, ҳар бир ўқув фани бўйича тест топшириқларини ҳал қилишдаги хатолари билан танишиш имкониятини таъминлаб беради. Етакчи олимлар ва мутахассислардан ташкил топган эксперт гуруҳи ҳар бир абитуриент билан барча йўл қўйилган хатолари юзасидан тушунтириш ишлари ўтказади.

Ана шу барча мураккаб, қийин ва меҳнатталаб иш тест тизимига бўлган ишонни мустаҳкамлайди ва Ўзбекистондаги тест ўтказиш тартибининг кенг **ошкоралиги ва демократлашганидан** дарак беради.

Тест тизими бизда юқори даражада ошкоралик ва демократия талабларига мослиги билан фарқ қилади. Фақат Ўзбекистонда тест натижаси бўйича абитуриентларга апелляция ўтказилади.

Нормурод МУСОМОВ,
суҳбатлашди.

Тошкент вилояти Қибрай туманидаги 29-мактаб ўқитувчиси Шаҳлохон Тошматова санъат тўгараги аъзоларига рақс сирларини ўргатмоқда.

Ф.АБДУРАСУЛОВ олган сурат

YANGILIK

Плёнка остида ипак қурти

МИНГ БИР ХАЗИНА

Хоразм вилояти Янгибозор туманидаги "Боғолон" ширкат хўжалигининг ёш, изланувчан ҳосилоти Гулчеҳра Ҳайитбоеванинг соя ўсимлигининг янги навларини чатиштириш орқали кўпайтираётгани борасида бир йил муқаддам хабар бергандик. Айни кунларда тиниб-тинчимас ҳосилот пилла етиштиришда янги технология — плёнка остида ипак қурти боқишни жорий қилмоқда.

—Плёнка остида ипак қурти боқишнинг афзаллик жиҳатлари шундаки, ипак қуртининг кичик ёшларида суткада 10-12 марта барг солиш ўрнига 2-3 марта, катта ёшларида эса 3-4 марта барг солинади. Бундай усулда қурт боқилганида иссиқлик 25-27 даража, намлик эса 70-80 фоиз бўлиши керак. Улар, одатдагидек, ғаналаб турилади. Бунда намлик яхши сақлангани боис, барглар исроф қилинмасдан тўлиқ ейилади, барг сўлиб қолмайди. Қуртлар уйқуга кетганида плёнка очиб қўйилади. 1-2 ёшларида намлик учун губка тайёрлаб, сувга ботирилади. Намлиги етарли бўлган баргларни тинмасдан еган қуртлар тезда тўйиб, одатдагидан 8-10 соат илгари уйқуга кетадилар. Шу сабабдан ҳам қуртларнинг танаси йирик бўлади. Бундай ипак қуртининг пилласи оғир ва сифатлилиги билан қимматбаҳо саналади.

Эрпўлат БАХТ,
«Turkiston» мухбири

СУВ – БЕБАҲО БОЙЛИК

Айрим маълумотларга кўра, 2010 йилда республикамизда 30,4 ва 2020 йилга келиб 40 млн. киши яшаши башорат қилинмоқда. Бу эса Республикамизнинг суғорма деҳқончилик учун ўзлаштирилган ер майдонини кенгайтириш, сув ресурсларидан тежамкорлик билан фойдаланиш борасида ҳар биримизни яна бир бор огоҳ этади.

Бундан ташқари қишлоқ хўжалигининг маҳсулдорлик даражаси фақатгина сув таъминоти билан чегараланмайди. Республикамизнинг суғориладиган ерлари асосан ўртача ҳосилдор бўлиб, уларнинг деярли 50 фоизи шўрланган ва зах босган, 15 фоиздан кўпроғи эса турли хил эррозияга учраган, шунинг учун қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг 40 фоизгача бўлган қисми йўқотилмоқда.

Яъни, Ўзбекистонда пахтанинг мавжуд ҳосилдорлиги 23-25 ц.га тенг бўлиб, ривожланган давлатларда эса бу 45-50 цга тенгдир. Кузги бўғдой бўйича республикамиздаги ўртача ҳосилдорлик 15-19 цга, хорижий мамлакатларда эса 50-60 цга, сабзавот бўйича 200 цга ва 600-800 цга, картошка — 100-250 ц.га ва 400-600 ц.га тенг. Шуни қайд қилиш керакки, давлатлараро сув муносабатларида айрим хатоларга йўл қўйилиши оқибатида, Ўзбекистон суғорма деҳқончилигига анча иқтисодий зарар етказилди. Бунинг сабабларидан бири, Қирғизистон Республикаси ички электр таъминоти эҳтиёжини қондириш мақсадида бир томонлама Сирдарё сув оқимини одатдагича бўлган ирригация режимидан энергетик режимга ўтказганлигидир. Қирғизистонда жойлашган Тўхтагул сув омбори ёрдамида Сирдарё йиллик сув оқимининг 80 фоизи баҳор-ёзги даврда суғоришга сарф қилинган. Ҳозир эса ушбу сув оқими Тўхтогулдан Сирдарёга қишки мавсумда берилмоқда. Натижада, Ўзбекистон ва Қозоғистон суғорма деҳқончиликлари 500-700 млн. АҚШ доллари миқдорида зарар кўрмоқда. Давлатлараро сув муносабатларини оқилона ечиш учун ташкил этилган махсус комиссия ташаббуси билан қабул қилинган қарорлар амалга оширила бошланди. Лекин ташаббусларни тадбиқ қилишни оғирлаштирадиган муаммолардан бири 29 июнь 2001 йилда Қирғизистон ҳукумати томонидан қабул қилинган "Сув манбаларидан ва гидротехника иншоотларидан давлатлараро фойдаланиш" Қонунидир. Биз ишонамизки, бу ҳужжат албатта, ҳали қайтадан кўриб чиқилади ва қўшни давлатлар эҳтиёжлари ҳам инобатга олинади.

Юқорида қайд қилинган маълумотлардан кўриниб турибдики, Ўзбекистон Республикасида суғорма деҳқончилигини ривожлантириш учун барча имкониятлар мавжуд. Лекин биринчи галда ечиладиган муаммолар:

Сувни тежаш технологияларини яратиш ва ишлаб чиқаришга жалб этиш;

Қишлоқ хўжалиги ерларининг мелиоратив ҳолатини яхшилаш;

Давлатлараро сув муносабатларини оқилона ечиш шароитини туғдиришдан иборат. Ҳозир олимларимиз томонидан республикамизнинг ўз сув ресурслари чегаралганлиги ҳамда Орол денгизини қуриб бориши билан боғлиқ мелиоратив, экологик танглиги ва сув танқислиги ҳолатларини ижобий ҳал қилиш борасида илмий изланишлар олиб борилмоқда.

Ушбу муаммоларни ижобий ечишда институтимиз етакчи профессор олимлари томонидан Ўзбекистон Республикаси суғорма деҳқончилигини жадаллаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги буюртмалари асосида ва фан ва техника Давлат қўмитаси топшириғи бўйича пахтанинг истиқболли тез пишар янги "Юлдуз", "Меҳр" ва "Меҳнат" навлари учун мақбул суғориш технологиялари яратилди. Республикамизнинг Сирдарё, Тошкент ва Жиззах вилоятларидаги типик бўз тупроқларида кузги буғдойнинг серҳосил навларини етиштиришда энг мақбул суғориш тартиблари аниқланди. Қишлоқ хўжалик экинларини суғоришда сув сарфини 50 фоизгача камайтириш имконини берадиган полимер гидрогеллар яратилди. Ушбу гидрогелларни лалмикор ерларда қўллаш қишлоқ хўжалиги экинларининг маҳсулдорлигини 30-40 фоизга оширади. Олимларимиз чет эл етакчи мутахассислари билан ҳамкорликда самарали ва шу билан бирга арзон ҳамда ерларни мелиоратив ва экологик ҳолатини яхшилайдиган биологик-сунъий зовурлар тизимларини тадбиқ қилишни тавсия этишди. Республикамиз суғорма деҳқончилигида жуда катта аҳамиятга эга ерни текислаш технологияларини такомиллаштириш ва ерларнинг шўрини ювиш учун янги машина яратилди.

Институт олимлари ҳамиша чет эллик йирик мутахассислар билан ижодий алоқада. Жумладан, Вашингтон ва Колорадо университетлари, Германиядаги Бонн университети, Исроилда қишлоқ хўжалик университети ва томчилатиб суғориш тизимлари билан машҳур Нетафим фирмаси, Покистон ва Янги Зеландия, Ҳиндистон, Россиянинг Табиатни тиклаш Москва университети, Саратов ва Волгоград қишлоқ хўжалиги академиялари олимлари билан самарали ҳамкорлик ўрнатилган. Ушбу ташаббуслар натижасида Вашингтон университети билан 250 минг АҚШ доллари, Колорадо университети билан 80 минг АҚШ доллари миқдорида Ўзбекистон суғорма деҳқончилигини ривожлантириш бўйича илмий ишлар бажарилмоқда. Ҳар йили турли танловларда қатнашиб, бир неча грантни қўлга киритиб, халқаро ўқув ва илмий лойиҳаларда фаол иштирок этилмоқда.

Оролни қутқариш халқаро фонди
GEF Агентлиги
В Компоненти
Узбекистон миллий ишчи гурухи

"Ўрта Осиё ва Ўзбекистонда атроф-муҳит муҳофазаси ва сув ресурсларини бошқариш масалаларида ҳамкорлик" мавзуидаги халқаро илмий грант АҚШ USAID агентлигининг университетларни қўллаб-қувватлаш бошқармаси ҳомийлигида Вашингтон университети билан ҳамкорликда бажарилмоқда. Етук мутахассисларни тайёрлашда институтимиз профессор-ўқитувчилари иқтидорли талабалар билан ишлашга жиддий эътибор берадилар. 2001 йил якунларига кўра Сув хўжалиги ва мелиорация йўналиши бўйича тўртта талаба "Умид" гранти соҳиби бўлиб, ҳозир Америка ва Германия давлатларида таълим олмоқдалар. Юздан зиёд талабаларимиз эса кафедралар илмий ишларида, хўжалик ва халқаро грантларда иштирок этмоқда.

Фредун БАРОЕВ,
Фарид РАҲИМБОЕВ,
Тошкент Ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти профессорлари

КЎЗГУ ҚАНДАЙ ПАЙДО БЎЛГАН?

Маълумки, ҳар бир инсон ўз аксини кўриш учун кўзгулардан фойдаланади. Кўзгуларнинг пайдо бўлиш ибтидоси эса жуда қадимга бориб тақалади. Кўзгу ихтиро қилинмасдан олдин одамзот дастлаб ўзини тиниқ сув сатҳида кўрган. Бироқ тиниқ сувни кўзгу сингари кўтариб юриб бўлмаган. Шу боис милоддан аввал одамлар бронза ва кумуш кўзгулар яратишга уринишган. Қадим Русда эса асл пўлат кўзгу вазифасини ўтаган. Металл қорайиб қолмаслиги учун уни ойна билан пана қилишган. Секин-аста ойнага симобли қалай, алюмин ва бошқа металлар аралашмасидан тайёрланган юпқа парда қоплаш мумкинлигини билиб олишган. Шиша кўзгу Венецияда ишлаб чиқарилган ва анча вақтгача сир сақланган. Венециялик бир неча уста шишали кўзгу тайёрлаш сирини франциялик Пол Жерар исмли савдогарга айтиб қўйган. Натижада бу иши учун усталарнинг барчаси қатл қилинган. Айни пайтга келиб эса кўзгуларнинг ўндан ортиқ тури мавжуд бўлиб, уларсиз айниқса аёлларимизнинг ҳаётини тасаввур этиш қийин.

Рустам СУЛАЙМОНОВ
тайёрлади

ОКСФОРД — УНИВЕРСИТЕТЛАР ШАҲРИ

Буюк Британиядаги машҳур Оксфорд университети ҳақида эшитмаган одам бўлмаса керак. Мазкур таълим маскани мамлакат пойтахти — Лондондан унча узоқ бўлмаган Оксфорд шаҳрида жойлашган. Оксфорд Европадаги "университетлар шаҳри" номини олган қадимий шаҳарлардан биридир. Гарчи илгари Европада бундай шаҳарлар талайгина бўлган эса-да, ҳозир улар саноқлидир.

Ривоят қилишларича, ҳали Исо Масиҳ туғилишидан анча олдин Жанубий Англияни Лад исмли буюк бир ҳукмдор бошқарган экан. У ўз салтанати ҳудудини ўлчаб, унинг марказини аниқлабди ва худди шу ерда Оксфорд шаҳрини бунёд қилибди. Оксфорд университети тарихидан ҳикоя қилувчи илк хотиралар Жералд Уэльс қаламига мансуб бўлиб, у XII асрда мазкур даргоҳда ўқитувчилик қилган.

Оксфорд дунёдаги инглиз тилида сабоқ бериладиган илм даргоҳлари ичида энг қадимийсидир. Ўтган саккиз асрдан буён мазкур университет Британия таълим тизимида муҳим ўрин тутиб келади. Мамлакатнинг раҳбар ҳамда интеллектуал қатламини етиштириб беришда Оксфорднинг ҳиссаси катта. Университетнинг 1525 йилда асос солинган Насронийлик коллежининг ўзидан ўн уч нафар бош вазир етишиб чиққан.

Қизиғи шундаки, Оксфорд университетининг ягона манзили ҳам, бош биноси ҳам йўқ. Университет 39 коллеждан иборат бўлиб, ҳозирги вақтда уларда ўн олти минг нафар талаба таҳсил олмоқда. Бундан ташқари, университет таркибида турли кафедра, факультет, лаборатория ва мактаблар мавжуд бўлиб, улар вақти-вақти билан янги аъзолар билан тўлдириб турилади.

Университет бўлинмаларининг ҳаммаси тенг ҳақ-ҳуқуққа, шунингдек, ўз-ўзини бошқариш борасида кенг имкониятга эга. Уларнинг фаолияти умумуниверситет маъмурий органлари томонидан мувофиқлаштирилади. Бу органлар ичида энг юқориси Университет кенгашидир.

Коллежлар талабаларни танлаш тадбирларини амалга оширади. Шунингдек, улар талабалар учун ўзига хос тарбия маркази вазифасини ҳам бажаради. Факультетлар эса ўқитувчилар билан шуғулланади. Коллежларнинг ўқув-педагогик фаолиятида ҳам факультетлар муҳим ўрин тутади.

Оксфорд ўқув тизими шунга асосланганки, унга кўра ҳар битта талабага шахсий тарбиячи ёки устоз, яъни илмий раҳбар бириктириб қўйилади. Илмий раҳбарлар факультет кафедраларининг профессор ва доцентлари орасидан танланади.

Оксфорд талабаси лекция тинглаш учун факултетга қатнайди. Ўтилган ҳар бир лекцияни эса коллеждаги индивидуал дарсларда мустаҳкамлайди. Бунда талаба илмий раҳбарга ўтилган мавзу бўйича ёзма иш тақдим этади ва уни устози билан атрофлича муҳокама қилади. Оксфорд юксак обрў-эътиборга, қолаверса, катта молиявий имкониятга эга. Шунинг учун бу ерга энг яхши профессорлар ишга таклиф этилади. Бу эса ўқитиш савиясини юқори даражада ушлаб туриш имконини беради.

Яна шуниси эътиборга моликки, университет фаолиятида мунозара клублари ҳам муҳим ўрин тутади. Мазкур клублар талабаларда сиёсий арбоблик кўникмаларини шакллантиришга кўмаклашади. Оксфорддаги талабалар иттифоқи (худди Кэмбриждагидек) ана шундай мунозара клуби вазифасини ўтайди.

Талабалар иттифоқи мунозаралари маълум даражада Британия парламентидаги вакиллар палатасида бўладиган баҳсларнинг айнан нусхаси, дейиш мумкин. Раҳбар органларни сайлашдан тортиб то баҳс ва овоз бериш жараёнигача худди вакиллар палатасидаги сингари амалга оширилади. Бу билан сиёсий мунозаранинг барча усул ва методлари талабалар томонидан амалда қўлланилади. Бир сўз билан айтганда, мазкур мунозара клублари мамлакатнинг бўлғуси раҳбар элитасига сиёсий баҳс санъатини ўргатади.

Анъанага кўра, Оксфорд университети, асосан, ижтимоий фанлар бўйича дунёдаги етакчи илмий марказлардан бири саналади. Хусусан, фалсафа ва адабиёт таълими борасида Оксфорддан ўтадиган ўқув маскани кам.

Ўтган йили таълим тизимида амалга оширилган ислоҳотлар натижаси ўлароқ, Оксфорд университети Буюк Британиядаги энг илғор таълим масканларидан бири, деб топилди. Бугунги кунда Оксфордни битириб, дунёнинг йирик илмий-тадқиқот марказларида фаолият кўрсатаётган талабалар сони анча салмоқли. Бу борада Буюк Британиядаги бирорта таълим маскани Оксфорднинг олдига туша олмайди.

Бир сўз билан айтганда, Оксфорд дипломига эга бўлиш бу фақат чуқур билим кафолатигина эмас, балки юксак лавозим, раҳбар элитаси сари калит ҳамдир.

Мардон ЁҚУБОВ,
«Жаҳон» АА шарҳловчиси.
Лондон

IBRAT

Сайфулланинг эътиборини тортди

ҚАЙТА ТИРИЛГАН ЙИГИТ

Эндигина ўн ёшга кирган Сайфуллани ҳаёт оғир синовдан ўтказиб, икки оёғидан жудо қилди. У бахтли тасодиф ва шифокорларнинг кўмаги билан тирик қолди. Ҳушига келиб, икки оёғининг йўқлигини билгач, юрагини умидсизлик қоплади. Ана шундай пайтда дўстлари унинг жонига оро кириб, руҳан мадад берди. Оёқларидан ажралган юзлаб қаҳрамонлар тўғрисидаги китоблардан ўқиб беришди. Дўстларининг кўмаги ва ота-онасининг меҳрибонлиги уни яшашга ундади. Дўстлари қатори вояга етди, уйда ўрта мактабни тугатди, чеварликни ўрганди. Сайфулла аста-секин яшашга кўникиб, тикиш-бичишни ўргана бошлади. Кўни-қўшнилардан кийим-бош тиктиришга буюртмалар олди. Тез орада у маҳаллада "Сайфулла тикувчи" деган ном чиқарди.

Кунлардан бир кун байрам кўйлакларини тиктиришга қўшни маҳалладан бир гуруҳ қизлар унинг ишхонасига кириб келишди. Унга раҳмдиллик билан боқиб турган бир қиз Сайфулланинг эътиборини тортди, ногиронлигидан азобланди. Бироқ, нима сабабдандир қизнинг кўйлагини бор ҳунарини ишга солиб, алоҳида меҳр билан тикди.

Дилдора "Сайфулла тикувчи" тикиб берган кўйлакни қўлига олар экан, устага ширин табассум ҳадя қилди. Бу табассум Сайфулланинг юрагида ниш ураётган муҳаббатни алангалатиб юборди. Бир дўсти орқали унга мактуб йўллади. Тез орада ундан жавоб хатини олди.

Дилдорадаги инсоний садоқат икки ёшни бир-бирига боғлади. Кўҳликкина қиз Абдураҳим акалар хонадонига келин бўлиб, ўзининг қутлуғ қадамини қўйди.

—Мана шунга ҳам тўрт йилдан ошди, — дейди Кучлук қўрғонидаги маҳалла қўмитаси раиси Абдураҳим Одинаев. —Дилдорахон ўзининг одоби, ахлоқи, рўзғор тутиши, умр йўлдошига бўлган меҳрибонлиги ва садоқати билан кўпчиликнинг ҳурматини қозонди. Эндиликда улар икки нафар—Нодира ва Сарвар исмли фарзандларнинг ота ва оналари.

—Халқимизнинг яхши билан юрсанг етарсан муродга, деган нақлига яна бир бор ишонч ҳосил қилдим, -дейди Сайфулла Деҳқонбоев. —Дилдорахон мени ҳаётга қайта олиб кирди. Шунинг учун мен эндиликда бир ғайратимга ўн ғайрат қўшиб меҳнат қилмоқдаман. Чеварчиликнинг янгидан-янги қирраларини ўргана бошладим.

Сайфулланинг суҳбатидан баҳра олиб, яшашнинг моҳиятига, ҳаёт чорраҳаларининг хилма-хиллигига яна бир бор ишонч ҳосил қиласиз. Кўпгина кишиларнинг тўрт мучаси соғ бўла туриб, безориликка қўл уришаётганларидан афсусланасиз.

Пардабой ЭРГАШЕВ

Жаҳон Жараёнлари

OGOHLIK

«Аср вабоси»га қарши вакциналар

ДАВОСИЗ ДАРД

(Иккинчи мақола)

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг маълумотига кўра, олимлар "аср вабоси"га қарши вакциналар яратишга уринишда давом этмоқдалар. Сайёрамизда одамзот пайдо бўлгандан буён ҳеч бир хасталик "аср вабоси" сингари давом этмаганди. Ҳар доим ўлатга қарши дори-дармонлар ўйлаб топилганди.

XX асрда "Сибирь язваси", қора моллардаги ўлат ва ОИТС сингари касалликлар ҳам бекорга пайдо бўлмаётгандир. Иммун тизими фаолиятини яхшилаш, қайта тиклаш мақсадида турли хил интерферонлар, дунё тажрибаларига оид даволаш муолажалари, циклосеринлар ҳам ҳозирча кутилган натижаларни бергани йўқ. Даволаш ишларида ОИТС инфекциясидан сақланиш учун асосий чора эҳтиёт бўлиш, умуман яқинлаштирмаслик, дейилмоқда. Иммун тизими издан чиққач, организм кучсизланиб боради, оддий шамоллаш ҳам оғир кечади, инфекцияга қарши курашиш қобилияти пасаяди, организм оддий вирусларни ҳам енга олмайди. ОИТС дунёнинг даҳшатли хасталиги эканлиги ҳам шунда. Ҳозиргача бу касаллик билан оғриган беморларнинг йигирма беш миллиони дунёдан бевақт кўз юмди, олтмиш уч миллион шахс эса касалланган.

"XX аср вабоси" дея ном олган ОИТС ва гиёҳвандлик касалликлари бугунги кунга келиб инсониятни чуқур ўйга толдирадиган, давосиз дард сифатида Ер юзида тобора илдиз отиб бормоқда. Ер юзи бўйича бир кунда 18 минг нафар инсон касалланадиган бўлса, шундан 10 минг нафари ОИТС дан ҳалок бўлмоқда, бу дегани бир кунда 11 нафар инсон вирусни ўзига юқтирмоқда. Дунёда ОИТС билан заҳарланганларнинг 60 фоизини 15-24 ёшгача, 10 фоизини 15 ёшгача бўлган болалар ташкил қилади. Энг ачинарлиси эса ушбу иллатларнинг даво воситалари топилгани йуқ.

1998 йили БМТ Бош Ассамблеяси 1 декабрни Бутунжаҳон ОИТС га қарши кураш куни, деб эълон қилди. Ҳар йили май ойининг учинчи якшанбаси ОИТС дан ўлганларни хотирлаш куни сифатида белгиланган. Жамиятимиз ҳаётига ёт бўлган бу каби иллатлар бугунги кунда Республикамиз ёшларини ҳам бефарқ қолдирмаяпти. Ўзбекистон ёшлари томонидан ушбу "XX аср вабоси" дея аталмиш ОИТС ва гиёҳвандлик касалликларига қарши курашиш мақсадида кўпгина саъй-ҳаракатлар амалга оширилмоқда.

Мамлакатимизда орттирилган иммун танқислиги синдроми (ОИТС), жинсий йул билан ўтадиган касалликлар ҳамда гиёҳвандликнинг кенг тарқалиши олдини олиш мақсадида Республика "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати БМТ нинг "ОИТС га қарши дунё компанияси" дастури доирасида ЮНИСЕФ билан ҳамкорликда "Ёшларнинг ОИТС ва гиёҳвандликка қарши маърифий дастури"ни ишлаб чиқди. Ушбу дастур мамлакатимиз ҳудудида амалиётга киритилиб, унда 13 ёшдан 20 ёшгача бўлган ўттиз мингдан зиёд ўспирин ёшлар иштирок этиши кўзда тутилмоқда. Тарғибот-ташвиқот ишлари олиб боришда ёшларнинг юқорида айтилган касалликлардан қандай сақланиш йўллари тушунтирилиб борилади.

Юсуф ХУДОЙҚУЛ,
«Turkiston» мухбири.
Акбар МАГДИЕВ,
ЮНИСЕФ координатори

БОЙЧИБОРИ БОР ЮРТ БУ

«TURKISTON» ГАЗЕТАСИ СОВРИНИ УЧУН

От йигитнинг йўлдоши, от минган муродига етади, дейди халқимиз. От спортининг навбатдаги "Улоқ" мусобақаси Оқтов бағрида жойлашган Нурота туманидаги "Туркистон" отчопарида бўлиб ўтди. "Turkiston" газетаси соврини учун ўтказилган мусобақада Навоий вилоятининг Нурота, Навбаҳор, Конимех, Навоий туманлари, Жиззах вилоятининг Фориш тумани улоқчи чавандозлари ғолиблик учун куч синашдилар.

Собир ЗУФАРОВ (ЎзА) олган суратлар

Ўзбек отга минар экан, майдонга орият, деб киради. Орият юракка қувват бергувчи куч. У кўзларни ўткир, шаштни баланд қила олади. Мусобақанинг қизғин кечганлиги ҳам шундан.

"Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати байроғини кўтариб чиққан "Нурота-1" жамоасининг ёш чавандозлари ўзларининг ғалабага бўлган юксак иштиёқини кўрсатган бўлса, форишлик чавандозлар маҳоратли эканликларини намойиш қилишди. Навбаҳорликлар эса мусобақага фақат ютқазиш учун келмаганини исбот этишди. "Туркистон" отчопарини тўлдириб турган минглаб ишқибозларнинг ҳайқириғи, ўз жамоаларини олқишлаб туриши халқимизнинг кўпкарига меҳри баланд эканлигини яна бир бор исбот қилди.

Кўпкарининг спорт турлари қаторидан жой олганлиги мамлакатимизда зотли отларнинг янада кўпайишига жуда катта имкон яратди. Ушбу мусобақада ҳам қорабайир, саман, тўриқ сингари отлар иштирок этди. Отларга бўлган муносабатлар ҳам ўзгарганлиги, уларнинг алоҳида меҳр билан парвариш қилинаётганининг гувоҳи бўлдик.

Барча оммавий мусобақаларда бўлгани каби Нуротадаги мусобақада ҳам бир қатор қулайликлар яратилган экан. Яъни, тиббий ходимлар, дам олиш ўтовлари мавжудлиги чавандозларни мусобақани эркин, ўз имкониятидан тўла фойдаланиб ўтказишига шароит яратди.

Мусобақа сўнггида ғолиб жамоаларни тақдирлаш маросими бўлиб ўтди. Маррага энг кўп улоқ ташлаган навбаҳорлик ёш чавандоз Шавкат Назаровга "Turkiston" газетасининг соврини — рангли телевизор топширилди. Биринчи ўринни олган "Нурота-1" жамоасининг ҳар бир аъзосига биттадан гилам, иккинчи ўрин соҳиблари — форишликларга аудиомагнитофон, учинчи бўлишган навбаҳорликларга паласлар ҳомий ташкилотлар томонидан тақдим этилди. Мусобақани кўнгилли ўтишида "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Навоий вилояти Кенгаши (раиси Фахриддин Солиев) ва Нурота тумани Кенгаши (раиси Нусратулла Исломов)нинг, шунингдек, Нурота шаҳридаги "Мардонбобо" қичик корхонаси (раҳбари Ўролбой Раҳимов)нинг хизматлари катта бўлди.

Тўйга тўй уланар, деганларидек, "Улоқ" мусобақаси нуроталик чорвадорларнинг ҳосил байрами кунида ўтказилгани барча иштирокчи-ю, ишқибозларда кўтаринки руҳ уйғотди.

Юсуф ЖЎРАЕВ,
«Turkiston» мухбири

Эрик ФИХТЕЛИУС

ЖУРНАЛИСТИКАНИНГ ЎН ҚОИДАСИ

(Давоми, боши ўтган сонларда)

4. Тайинли нарса ҳақида гапиринг

Американинг ABC телекомпаниясидагилар ўз янгиликларини эълон қилишда уч асосий бирликни шиор қилиб олишган: Accuracy, Brevity ва Clarity , ушбулар айнанлик, лўндалик ва равонликни ифодалаб, журналистика фани асосларининг асоси деб қаралади.

Хабарнинг нозик кўринишда бўлиши информация тарқатишнинг асосий талабларидан биридир. Биздан ўқувчи, тингловчиларимизга берадиган ахборотимиз имкони борича аниқ ва текширилган бўлмоғи даркор. Радио ва тележурналистлар учун эса лўндалик, ихчамлик айниқса муҳимдир, чунки улар улкан ва мураккаб ҳодисаларнинг баёнини ҳам саноқли дақиқаларда бериб улгуриши, баъзан эса бир неча сонияда оммага масаланинг моҳиятини етказиши керак бўлади. Бунинг учун эса ёзилган матннинг тили ҳаммага тушунарли ва равон бўлиши лозим.

Айнанлик, лўндалик, равонлик. Мана шу уч тушунча қаторига мен тўртинчисини – тайинлиликни қўшган бўлардим. Фақат тайинли нарсагина кишини диққатини торта олади. Бу сиёсатга ҳам, журналистикага ҳам бирдай тегишлидир. Тайинли маълумот ва тафсилотлар доим эътиборни тортадики, бу ёзма матбуотга нисбатан вақт ва кетма-кетлик жиҳатидан анча чегараланган телерадиоэшиттиришларда доим асқотади.

Мувофиқлаштириш

Янгиликларда кишиларнинг қандайдир кечинмалари ҳақида, бирор нарса устида бош қотириш тўғрисида ёки кўпчиликка дахли бўлган масала қабул қилиниши ҳақида гап кетмоқда, дейлик. Журналист ўз хабарини ойдинлаштириб, ушбу хабарни тингловчи ва кўрувчининг руҳига олиб кириши керак бўлади.

Энг осони воқеий янгиликлар давомида мижозларга ҳодисани ўз бошидан кечгандай қилиб етказиш. Эшитувчилар оммаси ҳодиса иштирокчиларини кўриш ва эшитишни исташи табиий. Репортёр ҳодиса ҳақидаги хабарни гувоҳни сўзлатиш орқали баён этиш имконига эга. 1995 йил кузида "Эстония" пароминнинг ҳалокати Швецияда барчани қайғуга ботирди, айниқса, тирик қолган йўловчилардан Сара ва Кентларнинг гаплари кишиларни ларзага солди. Уларнинг ҳикояси инсонларни ўша фалокатли тунда ўзларини "Эстония" паромида деб ҳис қилишига имкон берди.

Бирор кишининг қисмати ҳақида ҳикоя қилганимизда мавзу ҳалокат ва фалокат ҳақида бўлмаган тақдирда ҳам, эшитувчи ва томошабинга ўша киши ўрнида ўзини кўришга ёрдам беради. Кўпчилик сиёсатчилар мураккаб сиёсат йўли ва қарорини ҳам бир киши ёки оила мисолида яхшироқ англаши мумкин. Журналистиканинг асосий талабларидан бири ҳам йирик ва мураккаб воқеа-ҳодисани оддий кишилар ҳаёти мисолида ёритишдир.

Туғруқхона ёпиб қўйилганлигини кўз ёриш арафасидаги аёл тилидан баён қилиш мумкин. Ўша аёлга сиёсатчиларнинг қарори қанақа таъсир қилган? Заводнинг ёпилиши ишчи ва унинг оиласига қандай таъсир этади? Нафақачининг иқтисодий ҳолати телефонда гаплашиш нархининг оширилиши оқибатида қандай ўзгаради? Сиёсатчилар ва ҳукуматнинг қарорлари ҳаётга қандай таъсир этиши мумкинлигини кўпчилик оддий кишилар баёнидан билиб олади ва масаланинг моҳиятига яхшироқ тушуниб етади.

Баъзан чигал ва мураккаб муаммоларнинг ечимида бошқаларга ёрдам берадиганлар ҳам бундан ҳоли эмас. Швециянинг молия вазири, шахсан ўзлари давлат бюджети лойиҳасини парламентга топширади. У Давлат Девонхонасидан то Риксдаггача ўзининг одатдаги сайрини бошлайди, у энди семиз папкаларни кўтариб юрмайди, чунки бутун давлат бюджети кичкинагина компакт дискка жой бўлган, у буни журналистларга мағрур бир ҳолатда кўрсатади. Ушбу кичик бир аниқ парча давлат бюджети лойиҳаси каби мураккаб бир мавзуни анча соддалаштириб етказишга ёрдам беради.

Сиёсий музокараларда асосий эътибор унинг қатнашчиларига, хусусан, унинг камчиликларини кўрсатувчи, талаблар қўйувчи ва танқид қилувчиларга қаратилади. Жуда мавҳум даракларни ҳам воқеа қатнашчиларига "ҳавола қилиш" йўли билан осон қабул қилинадиган нарсага айлантириш мумкин. Агар бундайлар топилмаса, унда бирор жабрланувчи ёки ҳодисага дохил кимсаларни жалб қилмоқ керак. Давлат бюджети лойиҳаси акс эттирган дискни компьютерга қўйиб, биз унинг жамиятга нафи ҳамда турли ижтимоий табақалар турмушига қандай таъсир эта олишини аниқлаймиз. Муайян сиёсий ва иқтисодий қарорларнинг ҳаётга дохил бўлган табақалар турмушини алоҳида олинган ҳар бир шахс ҳис эта олишига эришиш журналистиканинг энг муҳим вазифаларидан биридир.

Бироқ бу вазифага берилиб кетиб, сийқаси чиққан ўхшатишлар ва алмисоқдан қолган қолиплар домига ҳам тушмаслик лозим. Швед ОАВда кейинги чоғда таназзул курбони образининг тимсоли – эрсиз болали она – даромади ўзи ва боласини боқиш учун етмайдиган тимсол пайдо бўлди. Бошқа бир кенг тарқалган тимсол эса, бу қимматбаҳо кўшкларда яшовчи ҳамда нафақаларнинг қисқариши натижасида тез орада ушбу кўшкларини сотишга мажбур бўлишидан шикоят қилаётган оилалар – Швециядаги оғир дамларнинг рамзи.

Баъзи журналистлар эса, жиддий таҳлил қилинадиган мавзуларни ҳиссий, кўнгилни бузувчи воқеа тарзида тақдим қилиб, ўз вазифаларини жўнлаштирадилар, танқидий таҳлилдан қочадилар. Мазкур қарорнинг орқасидан нималар кўринади? Бу қарорга муқобил бошқаси борми, бўлса қанақа? Қарор қандай оқибатларга олиб келади, узоқ келажакда нималар беради? Репортёр мана шундай саволларга жавоб топмоғи даркор.

Томчида қуёш акс этади

Журналистикада аниқлаштириш ҳиссий баённи талаб этади, шунга қарамай ҳикоя кимдир, нимадир ҳақида бўлсада, у умумий мавзунинг қисми бўлмоғи шарт. Бир киши тақдири ҳақидаги баён йирик бир ҳодисани ойдинлаштиришга хизмат қилиши керак. Ҳар бир мавзуда кўзга яққол ташланмайдиган томони бўлиб, у тайинли мисолларда юзага қалқимоғи лозим.

Саксонинчи йилларда швед радиоси қошидаги "Эхо" янгиликлар муҳарририяти ўз тингловчиларига швед Телекоммуникация идорасидаги ўзгаришлар – эски тутўмдаги идорадан замонавий ташкилотга айлантириш жараёни ҳақида дарак бермоқчи бўлди. Бу мавзу радио учун оғир ва мавҳумлиги аён. Бироқ бир норози кайфиятдаги аёлнинг муҳарририятга қўнғироғи радиоэшитувчиларнинг қизиқишини уйғотишга ҳамда ўзларининг ушбу вазиятдаги ҳолатини билишга туртки бўлди. Моника Трегембо номли бу аёл мазкур Телекоммуникациянинг иш юритиш услубини "унга телефонда гаплашгани учун нотўғри ҳисоб юборилганидан шикоят қилганида, ташкилот телефонини ўчириб қўйганлигини" айтиш билан ошкор қилиб қўйди. Унинг бу чиқиши муҳарририятга тинимсиз қўнғироқ бўлишига йўл очиб берди: кўплаб тингловчилар Мониканинг шикоятида ўзларининг мазкур ташкилот билан бўлган муносабатини кўрди. Тайинли бир тасодиф Телекоммуникация ташкилотидаги катта камчиликларни юзага чиқариб қўйди.

Борди-ю тайинли бир воқеа ҳақидаги хабар умумий бир муаммонинг қисми бўлмас экан, бу дарак йирик масалаларни ҳал қилиш, мавжуд тартибни фош қилишга ёрдам бермайди, табиийки, хабар ўз қийматини кўпчилик учун йўқотади. Тайинли ҳодисани айтиш билан бирга муҳим нарсани ҳам айтмоқ керак. Алоҳида бир мисолни танлаб олар эканмиз, уни нима учун танлаганимизни ҳам асослаб беришимиз зарур.

(Давоми бор)

Фарҳод РЎЗИЕВ ва
Абдуқаюм ПАРДАЕВ таржимаси

2002 YIL 21-MAY
Turkiston
SIZ UCHUN FOYDALI

ЧИҚИНДИ — АРЗОН ХОМАШЁ

Буни қай даражада англаяпмиз?

Ривожланиш ва тараққиёт йўлидан дадил одимлаётган Ватанимизда "Чиқиндилар тўғрисида"ги қонун кучга кирди. Асосий мақсад чиқиндиларнинг фуқаролар турмуш тарзи ва соғликларига, атроф-муҳитга зарари олдини олиш, чиқиндилар ҳосил бўлишини камайтириш ва улардан хўжалик фаолиятида оқилона фойдаланишни таъминлашдан иборатдир.

Собиқ иттифоқ даврида хомашё базаси ҳисобланиб келинган Ўзбекистонда сўнгги ўн йил ичида саноат маҳсулотларини ишлаб чиқаришга катта эътибор қаратилди. Бу ҳолат ўз-ўзидан келажакда чиқиндилар ортишидан далолатдир. Ҳозирнинг ўзида кўплаб йиғилиб қолаётган депозитсиз идишлар, аккумилятор батареялари ва бошқа хўжалик чиқиндилари уюмлари кўпайиб бормоқда.

Шу ўринда, автомобиль ишлаб чиқариш саноати ва унинг натижасида юзага келаётган чиқинди уюмлари тўғрисида тўхталамиз. Барчамизга маълумки, бу соҳада тараққиёт бошқа соҳаларга нисбатан жуда шиддатли ўсмоқда. "ЎзДЭУ-авто", "СамКочавто", "ТТЗ" ва импорт эвазига келаётган автомобиль ҳамда тракторларининг тез-тез алмаштирилиб турилиши лозим бўлган шиналарини очиқ ҳолда, бир жойга тўплаш кутилмаган ёнғин хавфини келтириб чиқаради. Иссиқлик кўмирда 27.200 кг. жоул/кг. бўлса, шинада 37.600 кг. жоул/кг.дир. Бордию ёнғин содир бўлса, атмосферага катта миқдорда иссиқлик ва заҳарли газ чиқади. Шинани буклаб ёки сиқилган ҳолда кўмиб бўлмаслиги боис, у кўмилганида 75 фоиз жойда бўшлиқ ҳосил бўлади ва вақт ўтиши билан CH4 (метан) гази тўпланиши оқибатида кучли портлаш содир бўлиши мумкин. Бундай портлашлар кўплаб ғарб давлатларида кузатилган.

Шина чиқиндиларини ҳал этиш борасида АҚШда бирмунча самарали ишлар амалга оширилмоқда. Бугунги кунда АҚШда чиқиндига чиқаётган шиналарнинг 7 фоизи қайта ишланмоқда. Шиналарни қайта ишлашни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш мақсадида бу масалани 1991 йилда АҚШ Конгресси кўриб чиқди.

1994 йилда АҚШда ётқизилаётган ҳар тонна асфальт қотишмасига 5 фоиздан резина шина эритмаси қўшилган бўлса, бу миқдор 1997 йилга келиб, ҳар тоннада 20 фоизни ташкил қилгани бу усул фойдали эканлигини кўрсатади. Йўл қурилиши муҳандислари ва бошқа мутахассислар асфальт таркибидаги резина зарарсиз эканлигини аниқладилар. Чиқинди шиналар иккиламчи хомашё сифатида қайта ишлашда арзон ва қулай. Шунингдек, шиналар аралаш ўтиш майдончалари жиҳози, тупроқ эррозиясига қарши тўсиқ ҳамда магистраль автойўллардаги хавфли нуқталарни резинашда анча фойдали ва камхаражатдир.

Чиқиндиларни утилизация қилиш ва қайта ишлашни йўлга қўйиш борасида чет эл инвестицияларини жалб этиш, улар тажрибаларидан фойдаланиш, эзгу мақсадда ташкил этилаётган корхоналарга имтиёз ва зарур шарт-шароитлар яратиб бериш лозим бўлади.

Техника ва коммуникация асрида иқтисодий фаровон, экологик тоза мамлакатда яшашнинг пойдеворини бугундан қурмоғимиз даркор. Жаҳон бозорида табиий хомашёнинг тобора қимматлашиб ва танқислашиб бораётгани, чиқинди маҳсулотларига бўлган талабни янада оширмоқда. Чиқиндиларни қайта ишлашни йўлга қўйишда, кичик ва ўрта бизнес вакилларини жалб этиш ҳам алоҳида аҳамият касб этади.

Муҳиддин ИШМАТОВ,
Тошкент Давлат техника университети талабаси

ПАРҲЕЗСИЗ ОЗИШ МУМКИН...МИ?

Баъзи рекламалар алдовига учманг

Чиройли қоматга эга бўлишни ким ҳам хоҳламайди, дейсиз. Бунинг учун эса тинимсиз машқ, ўзига хос меҳнат, айниқса кучли ирода зарур!

Синди Кроуфорд

Баъзилар борки, ўз қоматларидан кўнгиллари тўқ — истаган таомни хоҳлаганча истеъмол қилишлари мумкин, барибир семиришмайди. Ўз қоматларидан норози, тўлаликка мойил аёллар эса турли хил йўллар билан озишга ҳаракат қилишади. Ҳар хил парҳезлардан чарчаган, жисмоний машқ қилишга эринган кўпгина аёлларни осонгина озиш усулларини реклама қилаётган "бир ҳафтада 5 кг", "бир ойда 50 кг.гача парҳезсиз озиш" каби эълонлар жалб қиляпти. Лекин "бу усуллар зарарсизми, киши организмига салбий таъсир қилмайдими?", деган савол кўпчиликни қизиқтириши табиий. Шу мақсадда, эълонлардан бирида ёзилган телефон рақамига қўнғироқ қилдим. Телефон рақамни аниқловчи аппаратга уланган экан (мижозни қўлдан чиқармаслик усулларидан бири бўлса керак). Нариги тарафдан рус аёли гўшакни кўтарди ва уддабуронлик билан исмимни, вазнимни, неча килограмм озиш ниятим борлигини аниқлаб олди ва озишнинг "энг зўр усули" ҳақида сўзлай кетди. Унинг айтишича, парҳезсиз ва жисмоний машқларсиз, фақатгина оздирувчи ичимликлар ва ширинликлар ёрдамида бемалол бир кунда 1 кг. "озиш" мумкин экан. Буларнинг ҳаммаси "ажойиб" препарат — "суперсжигатель жира" препаратисиз бўлмаслигини ва бу дори ўтлардан тайёрланганлиги, унинг организм учун бутунлай зарарсиз эканлигини айтди. Шунда "30 кг. озган мижозларингиздан бири билан суҳбатлашсам бўладими?", деб сўрасам, баҳона қидира бошлади. Нега бундай қилаётганини сездим-да, узримни айтиб, гўшакни жойига қўйиб қўйдим. Балки бу йўл билан вазн йўқотиш мумкиндир, лекин нима ҳисобига, ҳеч ўйлаб кўрдингизми? Чунки бу мутахассислар муолажани аввал ичакни тозалашдан бошлашади, бир-икки кун оч қўйишади (бу кунлар давомида фақат махсус ичимликлар беришади). Шунда организм камида 2-3 кг. вазн йўқотади. Лекин бу ҳали озиш дегани эмас, яна овқат есангиз, йўқолган вазн дарров тикланади. "Безарар" "суперсжигатель" эса маълум бўлишича, тери остидаги ёғларни емирмай, буйрак атрофидаги ёғни парчаларкан. Бу эса буйрак фаолиятига жиддий зарар етказади. Бундан ташқари, бу препарат организмни ўзига ўргатиб қўяди, яъни уни қабул қилсангиз озасиз, тўхтатсангиз яна семирасиз. Ҳамёнингиз кўтарса, марҳамат, шу усулда озаверинг.

Бошқа бир эълон бўйича қўнғироқ қилдим. Улар айтган усул бутунлай бошқача экан — бир ой давомида ҳафтасига 3 кун жисмоний машқ, 1 кун сауна ва махсус оздирувчи ананасли ичимлик ичилар экан. Албатта, организм бирдан кўп энергия сарфласа, сезиларли вазн йўқотади ва шунга яраша калорияни талаб қилади. Агар организм талаб қилган калорияни бермасак ёки камайтирсак, организм аста-секин ортиқча ёғларни сарфлай бошлайди. Аммо жисмоний машқларни тўхтатсангиз ёки кўп овқат ейишни давом эттирсангиз организм қайтадан ўзига ёғ йиғади. Натижада бир ой давомида шунча қийинчилик билан озган одам сеансни тўхтатгач, яна семириб кетиши мумкин.

Ўзингизга мосини танланг

Эсингизда бўлсин — қоматни чиройли сақлаш учун доимо жисмоний машқ қилиб туриш, тартибли овқатланиш ва организмни керакли витаминлар ҳамда минераллар билан таъминлаб туриш керак. Парҳезнинг ҳам енгилроғини тутиш керак. Бутунлай овқат емаслик ҳам организмга зарар. Очлик азобидан киши ҳам руҳий толиқади, ҳам тартибсиз овқатланиш ошқозон-ичак фаолиятини ишдан чиқаради. Бир танишим тўйидан олдин озиш учун кимнингдир маслаҳати билан ўн икки кунлик қаттиқ парҳез тутган. Дастлаб, икки кун давомида тоза сиқилган мева шарбатини ичиб, кейинги кунлар давомида фақат бир пиёла қаҳва, бир дона олма ва битта қайнатилган тухум истеъмол қилган. Парҳез охирига бориб танасида куч қолмай, ётиб қолган. Лекин иродасига қойил, 12 кун чидаб берган ва 2 кг. озган. Айни парҳез тамом бўлган куннинг эртасига уйларида йиғин бўлиб, у столдаги бор нарсалардан, айниқса ширинликлардан тановул қилган. Кечга бориб уни касалхонага ётқизишди. Маълум бўлишича, анча пайт ишламай дам олган ошқозон бирдан шунча овқатни кўтара олмаган. ***Унга эса ҳеч ким парҳездан сўнг қандай овқатланиш кераклигини тушунтирмаган.***

Озишни истаган киши дастлаб нон ва ширинликлардан бутунлай воз кечиши керак. Буни эпласа бўлади. Иложи бўлса қовурилган ва хамирли таомлар емаслик зарур. Кеч соат олтидан сўнг фақат мева, салатлар тановул қилиши лозим. Ўзингизни шу тартибга ўргата олсангиз аста-секин озаётганингизни сеза бошлайсиз. Ва албатта, ҳар куни 20 дақиқа жисмоний машқ қилинг. Ҳар хил кучайтирилган машқлар, шейпинг ёки тренажёрларда шуғулланишингиз шарт эмас. Яхшиси сузишга қатнанг. Организм учун керакли витаминларга келсак, қимматбаҳо хорижники бўлиши шарт эмас, ҳозир дорихоналарда ўзимизда чиқарилаётган арзонгина мультивитаминлар сотиляпти. Асосийси, шифокор билан маслаҳатлашиб, организмингизга мосини танлаб олинг. Бу препаратларда мавжуд бўлган минераллар, витаминлар модда алмашинувини яхшилайди ва овқатни тез ҳазм қилади. Шу маслаҳатларга доимо амал қилиб юрсангиз ҳар ойда 1-2 кг. озасиз, ***ҳаракатларингиз беиз кетмаётганидан кўнглингиз тоғдай кўтарилади.***

Энг муҳими, қандай бўлсангиз шундайлигингизча ўзингизни севинг ва ҳурмат қилинг, ҳаётдан завқланиб яшашни ўрганинг, шунда атрофдагилар учун ҳамиша севимли ва ардоқли бўлиб қоласиз.

Нилуфар САЪДУЛЛАЕВА,
«Turkiston» мухбири

УСМОН НОСИР НОМЛИ ТОШКЕНТ МАТБАА ТЕХНИКУМИ

2002-2003 ЎҚУВ ЙИЛИГА 9 ЙИЛЛИК МАЪЛУМОТ АСОСИДА — КУНДУЗГИ КОЛЛЕЖ ГРУППАЛАРИГА ҚУЙИДАГИ ИХТИСОСЛИКЛАР БЎЙИЧА ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ:

1. Ҳарф териш технологияси
Касби: ҳарф териш устаси,
Ихтисослик: — полиграфияда компьютерда териш оператори;
босма қолипларни тайёрлаш бўйича ишлаб чиқариш оператори.

2. Полиграфия машина ва жиҳозлари ишлатиш. (рус гуруҳи)
Касби: полиграфия машина ва жиҳозларини ишлатиш бўйича уста.
Ихтисослик: — фальцлаш, қотирма, тикув-қўшма ва кесиш агрегатлари машинисти;
— брошюралаш — муқовалаш ишлаб чиқариш оператори;
(Эксплуатация машина оборудования полиграфии)
Профессия: Мастер по эксплуатации машин и оборудования полиграфии;
Специальность: Машинист фальцевального прикладного, вкладочно-швейного резального агрегатов;
— Оператор брошюровочно — переплетного производства.

3. Юқори ва офсет босма технологияси
Касби: босма ишлаб чиқариш устаси
Ихтисослик: — Офсет босма босувчи-юқори босма босувчи.

4. Полиграфия машина ва жиҳозлари.
Касби: полиграфия ва машина жиҳозларига хизмат кўрсатиш бўйича уста;
Ихтисослик: — Полиграфия машиналари созловчиси;
— таъмирловчи-чилангар;

5. Бухгалтерия хисоби.
Касби: бухгалтер
Ихтисослик: — бюджет ташкилотлари бухгалтери;
— ўрта ва кичик корхоналар бухгалтери;
— қишлоқ хўжалиги корхоналари бухгалтери

6. Маркетинг
Касби: маркетолог
Ихтисослик: — товарга бўлган эҳтиёжни ўрганиш бўйича мутахассис;
— товарнинг нархини ўрганиш бўйича мутахассис;
— товарлар бозоридаги рақобатларни ўрганиш бўйича мутахассис;
— ЭҲМ оператори;

7. Менежмент
Касби: менежер
Ихтисослик: — идора менежери;
— ишлаб чиқариш менежери.
— қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш менежери.
Ўқиш муддати уч йил.

11 йиллик маълумот асосида контракт техникумнинг сиртки бўлимига:

1.Чоп этиш ишлари. Ўқиш муддати 2 йил 9 ой
Касби: ишлаб чиқариш устаси
Ихтисослик: — офсет босма босувчи — юқори босма босувчи

2.Бухгалтерия ҳисоби, назорат ва хўжалик фаолияти таҳлили. Ўқиш муддати 2 йил 6 ой.
Касби: Бухгалтер
Ихтисослик: — бюджет ташкилотлари бухгалтери
— ўрта ва кичик корхоналар бухгалтери — қишлоқ хўжалиги корхоналари бухгалтери.

3. Халқ хўжалиги тармоқларида иқтисодиёт ва режалаштириш. Ўқиш муддати 2 йил 6 ой.
Касби: иқтисодчи
Ихтисослик: — бюджет ташкилотлари ихтисосчиси;
— ўрта ва кичик корхоналар иқтисодчиси;
— қишлоқ хўжалик корхоналари иқтисодчиси.

Машғулотлар ўзбек ва рус тилларида олиб борилади. Аризалар 9 йиллик, 11 йиллик маълумот билан 20 июндан қабул қилинади.

Техникум жойлашган манзил:
Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-а уй. Автобуслар: 46,64,28,91; Трамвайлар: 8, 7. Троллейбуслар: 4, 20 "Ҳадра" ёки "Марказий телеграф" бекати. Маълумот учун телефон: 144-64-54

Абдуғани ЖУМАЕВ олган сурат

АКЦИОНЕРЛАР ДИҚҚАТИГА!

«150-ДОРИХОНА» Очиқ Турдаги Акционерлик Жамияти тугатилмоқда. Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб 2 ой мобайнида қабул қилинади

Маълумот учун қуйидаги манзилга мурожаат қилинсин: Тошкент шаҳри, Г. Мавлонов кўчаси 37 уй, телефонлар: 137-53-51, 34-72-48 факс: 34-62-36.

Назорат кенгаши.

"Farmeksim" Очиқ Акционерлик Жамиятига тегишли бўлган, Тошкент шаҳар ҳокимияти томонидан рўйхатга олинганлиги тўғрисидаги далолатнома йўқолганлиги сабабли
БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек туманидаги Тўхтамурод Умаров номли 99-ўрта мактаб томонидан Қодиров Санжар Саидакбарович номига 1998 йил 12 июнда АО — №002092 рақамли берилган аттестат йўқолганлиги сабабли
БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Нурходжаев Фурқат Патхуллаевич номига 15-03/273 11.04.97 йилда берилган уйнинг муваққат далолатномаси йўқолганлиги сабабли
БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

ДХО "BUYOQLAR" Хамзинского района г. Ташкента ликвидируется. Претензии принимаются в течение 1 месяца со дня опубликования объявления. **Тел: 169-37-91**

Утерянный гос.ордер № 06-01/10161 от 26.02.93 г. Права собственности Гурбанова Малик Камол-оглы на квартиру
СЧИТАТЬ НЕ ДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМ.

БОШҚОТИРМА



ЭНИГА: 1.XII-XIX асрларда ҳукм сурган авар хонлигининг пойтахти. 4.Яккама-якка спорт баҳсининг японча тури. 9.Ижод маҳсули. 11.Қишин-ёзин бир хил кийимда. 12.Овланадиган ёввойи тўқай қуши. 15.Ҳарбий хизматчи. 18.Чорва озуқаси. 19.Олий ҳарбий унвон. 20.Рўзғор анжоми. 21.Икки қитъада жойлашган денгиз. 24.1912 йилда ҳалокатга учраган машҳур кема. 26."Иззат"нинг ошнаси. 27.Бия сути, ичимлик. 31."Сават тўпи". 33.Атрофи сув билан ўралган қуруқлик. 34.Хўл мева. 35.Тантанали кун, айём. 36.Россия маркази.

БЎЙИГА: 2.Европа ва Осиёни ажратиб турувчи тоғ. 3.Кийим ёки кўрпанинг ички қисми. 5.Ушалмаган орзу. 6.Байрам таоми. 7.Илм даргоҳи. 8.Тўрт йилда бир келадиган йил ҳисоби. 10.Шекспир асари. 13.Кемалар тўхтайдиган махсус жой. 14.Эйнштейн яратган назария. 16.Фарғона вилоятидаги туман. 17.Биринчи фазогир инсон. 22.Товар айирбошлаш тури. 23.Ўктам Усмонов асари. 25.Қўрқмас, баҳодир. 28.Дурадгорлик асбоби. 29.Франция футбол клуби. 30.Эркин Воҳидов қаламига мансуб достон. 32.Оташ, аланга.

Тузувчи: Фаррух ЭРМАТОВ

"Turkiston" газетаси жамоаси "Ўзбекистон овози" газетаси бош муҳаррирининг биринчи ўринбосари Норбобо Шакаровга акаси
Абдураззоқ ШАКАРОВнинг
вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

"Turkiston" газетаси жамоаси драматург, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси Эркин Хушвақтовга ўғли
ТЕМУРЖОНнинг
бевақт вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

ЁҚИМЛИ ИШТАҲА

ТОВУҚЛИ ПИЦЦА



Хамирига: 3 стакан ун, 1 стакан илиқ сут, 4 ош қошиқ ўсимлик мойи, хамиртуруш, туз.

Устига: товуқ гўшти, помидор, қайнатилган қўзиқорин, кетчуп, пишлоқ.

Юмшоқ хамир қориб, ошиши учун иссиқ жойга қўясиз. Тайёр бўлган хамирни катта думалоқ шаклда ёясиз. Устига кетчуп суриб, майда тўғралган товуқ гўшти, қўзиқорин ва паррак шаклда тўғралган помидорларни териб чиқасиз. Охирида қирғичдан чиқарилган пишлоқни сепасиз. Пицца учун махсус зираворларингиз бўлса уни ҳам сепинг. Пиццани қизиб турган духовкада 15-20 дақиқа баланд оловда пишириб олинг. Пицца иссиқ ҳолида истеъмол қилинади. Ёқимли иштаҳа!

НИЛУФАР

Газетанинг навбатдаги сони 25 май, шанба куни чиқади.

Turkiston
МУАССИС: «КАМОЛОТ» ЁШЛАР ИЖТИМОИЙ ҲАРАКАТИ

Газета Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитасида № 00012 рақам билан рўйхатдан ўтган.

Босишга топшириш вақти-21.00
Топширилди 21.00
1 2 3 4 5 6

Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А-2.

Бош муҳаррир: Салим АШУРОВ

Таҳрир ҳайъати:
Ботир УБАЙДУЛЛАЕВ, Комил ЮСУПОВ, Аслиддин БОЛИЕВ, Юсуф ЖЎРАЕВ (Бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари), Рустам ҚОСИМОВ, Баҳодир МАХСИТОВ, Анвар ЖАББОРОВ, Ислом ҲАМРО, Ғайрат ШОУМАРОВ, Авазхон СОДИҚОВ, Насриддин МУҲАММАДИЕВ, Шоазим МИНОВАРОВ, Ғаффор ҲОТАМОВ, Абдуғани ЖУМАЕВ

Вилоят мухбирлари:
Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятлари бўйича — Термизда: 8-37-622 —3-53-88
Бухоро ва Навоий вилоятлари бўйича — Бухорода: 8-36-52 — 23-37-44
Сирдарё, Жиззах ва Тошкент вилоятлари бўйича — Гулистонда: 8-36-72 — 24-02-86
Фарғона, Андижон вилоятлари бўйича — Фарғонада: 8-37-32 — 24-54-61
Самарқанд вилояти бўйича — Самарқандда: 8-36-62 —34-43-89
Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти бўйича — Урганчда: 8-362-22 — 7-45-
Наманган вилояти бўйича — Наманганда: 8-36-922 — 6-10-70

Манзилимиз: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32.
Телефонлар: 133-95-97, Реклама бўлими: (3712) 133-79-69

Таҳририяттга юборилган материаллар қайтарилмайди.
Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. Буюртма Г. — 31 10. Адади-8428
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди

Навбатчи муҳаррир: Ойдин ЙЎЛДОШЕВА
Саҳифаловчи: Нодирбек ОРТИҚОВ